

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**И.Х.ТЎРАҚУЛОВА, Н.Х.АБДУҚОДИРОВА**

**ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРГА  
МАЪНАВИЙ-ИММУНОЛОГИК  
ТАРБИЯ БЕРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2015**

**УЎК: 37.017.92**  
**КБК 74.200.51**  
**T-97**

**T-97**      **И.Х.Тўрақулова, Н.Х.Абдуқодирова. Ўқувчи ва талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг илмий-назарий асослари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 192 бет.**

**ISBN 978–9943–983–15–1**

Ушбу монография ўқувчи ва талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг илмий-назарий асосларини ёритишга бағишланган бўлиб, унда маънавий-иммунологик тарбияни таркиб топтиришнинг тараққиёт босқичлари ва ундан амалиётда фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари тадқиқ этилган.

Монографиядан ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича илмий тадқиқот олиб боровчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**УЎК: 37.017.92**  
**КБК 74.200.51**

***Масъул муҳаррир:***

**У.И.Маҳкамов** – педагогика фанлари доктори, профессор

***Тақризчилар:***

**У.А.Жуманазаров** – филология фанлари доктори, профессор;

**Н.Н.Алимов** – педагогика фанлари номзоди, доцент;

**Н.Ў.Усмонов** – педагогика фанлари номзоди, доцент.

***Монография Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2014 йил 28 августдаги 1-сонли қарори билан нашр этилди.***

**ISBN 978–9943–983–15–1**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

---

---

## КИРИШ

Узлуксиз таълим тизимида қилинаётган ислохотлар натижасида эришилаётган қатор ижобий ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида юқори самарадорликка эришиб бориш динамикасининг бардавомлигини таъминлашга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратмоқда. Булар ўз навбатида миллий ва умуминсоний қадриятлар билан суғорилган, мафкуравий иммунитетни кучли баркамол авлодни шакллантиришда ғоявий-дидактик асос бўлмоқда. Шунинг билан бирга баркамол авлодни шакллантириш ғоясининг ўзи ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиб, у бугунги ёшларни маънавий ва маърифатли бўлишлигини, баркамоллик ва эзгуликка интилувини таъминловчи олийжаноб ғоядир. Бундай эзгуликка йўғрилган ғояни амалий ҳаётда ўз ўрнини топтиришда маънавий етук шахслар керак бўлади ва улар маънавий-иммунологик тарбия негизидан шакллантирилади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида ёш авлодни маънавий етук, баркамол шахс қилиб тарбиялаш ҳақидаги муаммо ва унинг ечимини ҳал этиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Шу асосда давлатимизда мустақиллигимиз ва унга мос миллий мафкурамиз ўз олдига келажагимиз бўлмиш баркамол авлод тарбиясига ғамхўрлик қилишни ўзига асосий мақсад қилиб олди ва бу Ватанимизга юксак эътиқодли ҳамда унга ҳамиша садоқат билан хизмат қиладиган баркамол авлодни тарбиялашда мустақам кўрсатмавий ғоявий-дидактик асос бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчи ва талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда уларнинг турли таҳдидлар ва салбий таъсирлар домига тушиб қолмаслиги учун қилинадиган изланишларимизнинг мазмун-моҳиятини ва мақсад-вазифаларини янгидан белгилаб олиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бунга сабаб ҳаётимизнинг турли жабҳаларига илм-фан ва техника-технологиялар ютуқларининг кириб келиши, айниқса ахборот алмашинувининг чегара билмаслиги ва вақт танламаслиги, «интернет»нинг глобал тармоғидан турли хил керакли ва кераксиз ахборотларни тарқатишга бўлган уринишлар ушбу соҳадаги

ишларни модернизация этишни тақозо этмоқда. Шунинг билан бирга ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижалари ёшлар маънавий-иммунологик тарбиясининг инновацион услублари ва технологияларини яратиш, улар онгига салбий таъсир кўрсатаётган ёт ғояларни фалсафий, ижтимоий, педагогик-психологик, илмий-назарий, илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмаганлигидан далолат бермоқда. Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқот ишимизга ўқувчи ва талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш муаммосини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни мақсад қилиб олдик.

Мазкур тадқиқот иши асосан икки бобдан иборат бўлиб, унинг «Маънавий-иммунологик тарбия ва уни таркиб топтиришнинг тараққиёт босқичлари» деб номланган **биринчи бобида** маънавий-иммунологик тарбиянинг мазмун-моҳияти ва мақсад-вазифаларига қўйилган замонавий талаблар ҳамда маънавий-иммунологик тарбияни таркиб топтиришнинг тараққиёт босқичлари ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилади.

Ушбу тадқиқот ишидаги «Маънавий-иммунологик тарбиянинг таркибий қисмлари ва ундан амалиётда фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари» деб номланган **иккинчи бобида** ёшлар маънавий-иммунологик тарбияси ва уни такомиллаштириш йўллари ҳамда маънавий-иммунологик тарбиянинг таркибий қисмлари, ёшлар маънавий дунёқарашининг мониторингини ҳисобга олиб бориш борасидаги тадқиқот натижалари баён этилади.

Мазкур тадқиқот ишидаги қўлга киритилган натижалар маънавий-ахлоқий тарбия, хусусан, маънавий-иммунологик тарбия тизимини узлуксиз равишда олиб боришда илмий-методологик асос бўла олади ва у айнан миллий тарбияшунослик билан шуғулланувчи илмий ходимлар учун илмий манбадир.

Монография тўғрисида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қилади.

**Бизнинг манзил:** Ўзбекистон Республикаси  
Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри?  
Ш. Рашидов шоҳ кўчаси  
Жиззах давлат педагогика институти

---

---

# **I БОБ. МАЪНАВИЙ-ИММУНОЛОГИК ТАРБИЯ ВА УНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

## **1.1. Маънавий-иммунологик тарбиянинг мазмун-моҳияти ва унинг мақсад-вазифаларига қўйилган замонавий талаблар**

Ҳозирда мустақил давлатимизнинг барча жабҳаларида мустақил ва эркин фикрлайдиган, ташаббускор ва фидойи, атрофдаги инсонлар билан мақсадли мулоқот ўрнатишга қодир, қуршаб турган дунёга фақат мослашибгина қолмасдан уни ижобий ўзгартиришни ҳам ўйловчи маънавий етук ва интеллектуал салоҳиятли ёшларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада мамлакатимиздаги муайян ҳолат ёшларнинг ўзларини намоён қилишга, айниқса уларнинг баркамол бўлиб шаклланишига, ҳаётий зарурий билимларни эгаллашга, маънавий дунёқарашларини кенгайтиришларига кенг имкониятлар яратилган ва бунда узлуксиз таълим тизими (УТТ) нинг барча таркибий қисмларида катта эътибор берилмоқда. Бу эътибор ўқувчи ва талабаларимизнинг ўзини ҳар томонлама намоён қилишларида, уларнинг қобилиятлари ҳамда хусусиятлари уйғунлигини таъминлашда асосий омиллар бўлиб, у улар фаолиятининг кўпқирралилиги ва маънавий етуқлигининг мустаҳкам негизлари эканлигини билдиради.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, қайд этилган маънавий етуқликни шакллантиришни ва юксалтиришни УТТнинг барча таркибий қисмларида олиб бориш лозим [105-132].

Ёшлардаги кўпгина маънавий сифатларнинг ривожланишида УТТ асосий пойдевор бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам УТТ ёшларга келажакда асқотиши мумкин бўлган маънавий дунёқарашнигина эмас, балки уларга бутун умри давомида зарур бўлган билимларга эга бўлишга, унинг реал ҳаётий муаммоларини самарали ҳал қилишга мустаҳкам дидактик асос бўла олади. Шу маънода УТТ негизда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш мураккаб жараён бўлиб, у жамият тараққиётига мос равишда динамик тарзда

ўзгариб туради. Бу муаммо азал-азалдан мавжуд бўлиб, унинг ечими ҳам давр талабига мос равишда турли кўринишларда ҳал қилиниб келинмоқда. Ушбу муаммо ечими Ватанимизда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин янгича сифат кўрсаткичига эга бўлди. Бунга сабаб, миллий мафкурамизнинг мазмун-моҳиятини бунёдкор ғоялар ташкил этади. Унда инсонпарварлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик тараннум этилиб, бунёдкорлик ва миллий кадриятларимиз улуғланади. Шу сабабли ҳам ўқувчи ва талабалар онги ва қалбига миллий мафкурамизнинг бош ҳамда асосий ғояларининг мазмун-моҳиятини сингдириш негизида уларнинг маънавиятини мунтазам равишда юксалтириб бориш УТТдаги **замонавий талаблардан бири бўлиб**, ушбу муаммо ечими миллий тарбияшуносликда энг устувор йўналишлардан биридир.

Демак, биз тарбиялаётган ўқувчи ва талабалар кўр-кўрона тақлиддан халос бўлган ёшлар бўлиб, улар ҳақни ноҳақдан ажрата оладиган бўлишлари керак. Бу орқали биз ҳозирда ёшлар онгини ёт ғоялар ва зарарли салбий таъсирлар билан заҳарлашларга қаратилган радикал қарашлар, анъаналаримизга мутлақо ёт бўлган вайронкор (экстремистик, террористик ва шу кабилар) ғояларнинг мамлакатимизга кириб келишига қарши тура оладиган баркамол авлодни шакллантиришга имконият яратишга эришамиз. Бу имконият ўқувчи ва талабалар орасида «**маънавий қашшоқ**» қатламнинг пайдо бўлиб қолишига имконият бермайди, чунки УТТда бунга барча имкониятлар ва шарт-шароитлар тайёрланган. Шунинг учун ҳам УТТда ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбия (МИТ)сини тўғри ташкил этиш келажакда ёшларимизни маънавий етук ва баркамол қилиб тарбиялашда мустаҳкам пойдевор бўлади.

МИТ ўқувчи ва талабаларнинг маънавий дунёқарашини ва, энг асосийси, улардаги соғлом турмуш тарзини мунтазам равишда шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Унда миллий кадриятлардан ва айни чоғда умуминсоний кадриятлардан самарали фойдаланиш ўта муҳим бўлиб, бу УТТда ўқувчи ва талабаларга МИТ беришга қўйилган асосий талаблардан биридир.

Замонавий тарбияшуносликда ўқувчи ва талабаларга МИТ беришнинг **яна бир асосий талабларидан бири** – бу УТТда ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш бўлиб, бу орқали улардаги миллий ғурур, миллий онг ва ўз-ўзини англашни юксал-

тириш билан бирга ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборатдир. Бунда қуйидагиларга кучли эътибор қаратилади:

- **Ватанпарварлик.** Бунда ўқувчи ва талабаларни юртга садоқат руҳида тарбиялашга кучли эътибор қаратилади;

- **Миллий ифтихор.** Бунда ўқувчи ва талабалар онгига бой маданий-маърифий, ҳарбий қудрат ҳақидаги фикрларни сингдириш орқали уларда фахрланиш туйғусини шакллантиришга асосий эътибор берилади;

- **Инсонпарварлик.** Бунда ўқувчи ва талабалар онгига инсонни улуғлаш ҳамда инсонларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишининг хосияти сингдирилишига эътибор берилади;

- **Меҳнатсеварлик.** Бунда меҳнатга онгли муносабат ва унинг хосиятлари инсонни улуғлашлиги ҳақидаги далилий маълумотлардан кенг фойдаланиш асосий тамойилга айланади;

- **Иймон-эътиқодлилиқ.** Бу ўқувчи ва талабалар онгига «Юксак маънавий камолотга эришиш – буюк бахт» рукнидаги тарбиявий тадбирларни мақсадли амалга ошириш орқали шакллантирилади;

- **Ҳалоллик.** Бунда ушбу тамойил ҳаётнинг барча жабҳаларида яхшилиқ билан суғорилган ишларни бажаришга оид фаолият олиб бориш орқали ҳалолликка эришиш мумкинлиги ўқувчи ва талабалар онгига сингдирилади;

- **Эркинлик.** Бунда бахтимиз қомусида белгилаб берилган қонун-қоидалар асосида фаолият юритиш эркинлиги ўқувчи ва талабалар онгига сингдирилади;

- **Маънавий поклик.** Бунда ўқувчи ва талабаларни ҳалолликка, бағрикенгликка, меҳр-шафқатли бўлишликка интиштириш ва бу борадаги «Ибрат-намуна – ҳаёт дорилфунуни» рукнидаги маълумотлардан ҳам кенг фойдаланиш орқали эришилади;

- **Одиллик.** Бунда теварак-атрофда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга холислиқ (ҳаққонийлик) билан ёндашиш орқали эришиш ўқувчи ва талабалар онгига сингдирилади.

Демак, мавжуд турли таҳдидлар ва салбий таъсирларнинг олдини олишни амалга оширишда УТТда ўқувчи ва талабаларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириб такомиллаштириб боришга эътибор бериш лозим бўлади ва бу орқали шакллантирилган мафкуравий иммунитетнинг кучлилиги ўқувчи ва талабаларимизнинг турли ёвуз ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигига мустаҳкам

маънавий асос бўлади. Шу сабабли ҳам мафкуравий иммунитетни ўқувчи ва талабалар онгига ташқаридан кириб келган ва келаётган, миллий тараққиёт йўлимизга зид бўлган ҳар қандай ғояларга қарши курашишнинг асосий қуроли деб ҳисоблаймиз. Бу борада яна шуни ҳам қайд этиш мумкинки, УТТда ўқувчи ва талабалар маънавиятини юксалтирмай туриб, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва соғлом маънавий муҳитни яратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам миллий тарбияшуносликда, хусусан МИТда хўжакўрсинликка йўл қўйиб бўлмайди, акс ҳолда тарбияда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади. Бу эса ёшларимиз орасидан иш ёқмас, дангаса, лоқайд, манқурт каби иллатларга эга бўлган «маънавий беморлар» қатламининг пайдо бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Бундай қатламга тегишли ёшларимизни турли ёт ва зарарли ғоя вакиллари излаб юришади. Бунга сабаб улар саводсиз, яъни уларни ихтиёрий бир саробни кўрсатиб обиҳаёт, деб тушунтирса ишонади, уларни хоҳлаган томонга етаклаш мумкин. Булар уларнинг шум ниятларини амалга оширишда қўл келади.

Бундай салбий ҳолатларнинг юз бермаслиги учун ўқувчи ва талабаларимизни УТТнинг дастлабки босқичларидан бошлабок тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварликка, инсонпарварликка, эзгуликка, меҳнатсеварликка ўргатиб, уларни юксак ахлоқий фазилатли ва маънавий етук қилиб тарбиялаш УТТдаги маънавий баркамол шахс тарбиясининг муҳим босқичидир ва у МИТнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу орқали ўқувчи ва талабаларимизнинг маънавий етук бўлишининг, яъни уларнинг иймон-эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвори меъёрлари юксалишининг бардавомлигига эришамиз.

Булардан қуйидагидек хулоса чиқариш мумкин бўлади, яъни агар биз ўқувчи ва талабаларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга эриша олсак қуйидаги ижобий натижаларга эришамиз: ёшларимиз шон-шуҳрат ва мансаб орқасидан қувувчи бўлмайди; моддий қийинчиликларга ва маънавий таҳдидларга тўғри келганда қаддини букмайди; улар фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларимиздан фахрланиш каби олийжаноб фазилатларга эга бўлади. Акс ҳолда ўқувчи ва талабаларимиз орасида турли қийинчиликларга дуч келганда қарши тура олмайдиган ва турли таҳдидларга чидай олмайдиган инсонлар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Улар оила учун ҳам, жамият учун ҳам ва ҳат-



токи давлат учун ҳам зарар келтирадиган лоқайд, манкурт, ишёқмас, танбал, дангаса, хуллас, «маънавий қашшоқ» одамлар бўлади.

Ана шу сабабли ҳам ҳозирги даврда УТТда ва оилаларимизда маънавий-ахлоқий қарашнинг аҳамияти янада ортмоқда. Бунга сабаб таълим муассасаларида ва оилаларимизда ёшларга нисбатан бўлаётган турлича муносабатлардир. Бунинг натижасида оилада ва таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар ўртасида одамовилик, тундлик, ичимдагини топ қабилда иш тутиш каби иллатларга эга бўлганларининг пайдо бўлиши кузатилади. Булар эса ҳозирги глобаллашув даврида янада авж олаётган турли (терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, ОИТС, «Оммавий маданият ва эркинлик» ва ҳ.к.) таҳдидчиларнинг шум ниятларини амалга оширишига қўл келади. Айниқса шундай хавф-хатарлар ва таҳдидлар бўлиб турган бир пайтда узлуксиз МИТ тизимини шакллантириш ва уни УТТнинг барча таркибий қисмларида оғишмай амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ўқувчи ва талабаларни ҳозирги глобаллашув жараёни шиддат билан кетаётган бир пайтда биз уларни турли хил таҳдидлар ва салбий таъсирлардан сақлашнинг барча турларидан фойдаланишимиз лозим. Бунга етарли асосларимиз бор. Уни биз қуйидагича асослаймиз: **биринчидан**, ота-боболаримиз ҳеч қачон фарзандларини ва халқини ёвузлик қўлига топширмаган; **иккинчидан**, бундан 3000 йил илгари шаклланган зардуштийлар таълимоти ва унга асосланган «Авесто» номли муқаддас китобда ҳам «Эзгу ўй→Эзгу фикр→Эзгу амал» эзгулик тизимининг «Ёвуз ният→Ёвуз фикр→Ёвуз амал» ёвузлик устидан ғалабаси тараннум этилган; **учинчидан**, маданий ривожланишнинг «Илк уйғониш даври»да ҳам эзгулик улуғланиб, одамлар ва халқлар маданияти тараннум этилиб инсонларни иймон-эътиқодли ҳамда инсоф-диёнатли бўлишга чақирган, шунинг билан бирга босқинчилик ва ёвузлик қораланган; **тўртинчидан**, маданий ривожланишнинг «Сўнгги Уйғониш даври»да ҳам халқимизнинг руҳи ва қадриятлари улуғланган, инсон қадрига муносабат ўзгарган ва Соҳибқирон Амир Темурнинг асосий бошқарув тамойили бўлмиш соғлом маънавият маҳсули «Куч – адолатда» номли дастурий-кўрсатмавий фикри ҳозирги миллий мафкурамиз таркибий қисмидан иборат бўлган. Улуғ бобомизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўша даврдаёқ мамлакат яхлитлиги ва халқлар

бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этиш халқимизнинг бунёдкорлигини дунёга тараннум қилишнинг ёрқин намунаси эди; **бешинчидан**, жадиदчилик ҳаракати даврида ҳам халқимизнинг азал-азалдан тани-жони ва қони-иймони маърифат билан йўғрилганлиги яққол сезилди. Жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ўзлари ҳам маърифатчиликнинг ёрқин намунаси эди; **олтинчидан**, ҳозирги глобаллашув даврига эътибор берадиган бўлсак, ўқувчи ва талабалар МИТси ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммога айланмоқда. Бунга сабаб ҳозирда ахборот алмашинувининг чегара билмаслиги ва «ИНТЕРНЕТ»нинг глобал тармоғидан керакли ёки кераксиз маълумотларнинг кўплаб ёйилиши ёшлар онгини захарлашга маълум даражада сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ҳозирги пайтда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқдир.

Шу сабабли ҳам ўқувчи ва талабаларимизни миллий мафкура руҳида тарбиялашда оила ва УТТдаги таълим муассасаларида соғлом маънавий муҳит муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳозир мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамият тадрижий равишдаги тараққиёт йўлига кириб борди. Мустақиллик даврининг дастлабки босқичидан (1991–2000 йй.) иккинчи босқичига (2001–2007 йй.) ўтишда қатор ютуқлар ва имкониятлар қўлга киритилди. Яъни, мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, у миллий ўзлигимизни англашга, ор-номусимизни юксалтиришга, эзгу ниятларимизга эришишга кенг имкониятлар яратди. У ғурур-ифтихоримиз бўлмиш орзу-интилишларимиз, ютуқ ва умидларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланди, шунингдек, муқаддас заминда, жонажон Ўзбекистонда яшаётган барча ўқувчи ва талабаларимиз қалбидан мустаҳкам жой олди. Шу сабабли ҳам булар ўқувчи ва талабаларимизнинг МИТсида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкам асос бўлиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган бир даврда ўқувчи ва талабалар тарбиясига турли хил таҳдидлар ва салбий таъсирлар бўлиб турибди. Шу боис ҳам ўқувчи ва талабаларнинг МИТси ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммога айланиб бормоқда.

Маълумки, МИТ энг аввало инсонлар иммунитетига, яъни муайян инсон иммунитетига, миллий ва маънавий иммунитетларга



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/877> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/877> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/877>